*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

14 май, чоршанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 104-105 (1621-1622)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

**(Солиқ кодекси матни газетанинг 2, 3, 4, 5-бетларида эълон қилинмоқда).**

## ПРЕЗИДЕНТ АШГАБАДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этиш учун Туркманистон пойтахти Ашгабадга жўнаб кетди.

-- ЭКОга аъзо давлатларни ўзаро боғлайдиган коммуникация тармоғини ривожлантириш, жумладан, транспорт йўлларини яхшилаш муаммолари муҳокамаси навбатдаги учрашувда кўриладиган асосий масаладир, -- деди Ислом Каримов Ашгабадга жўнаш олдидан журналистларга берган интервьюсида. -- Маълумки, айни пайтда Марказий Осиёдан Кавказорти республикалари ва Қора денгиз орқали Европага чиқиладиган транспорт йўли барпо этилмоқда. Лекин минтақамиз, хусусан, Ўзбекистоннинг дунё билан савдо-иқтисодий алоқалари янада кенгайиши учун жанубда жойлашган қўшни давлатлар ҳудуди орқали бевосита Ҳинд океани ва Форс кўрфазига чиқиш ҳам ниҳоят муҳимдир.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

## ЭКО: АШГАБАД УЧРАШУВИ

**АШГАБАД, 13 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).** Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этиш учун Туркманистон пойтахтига келди.

Ўзбекистон ва Туркманистон байроқлари билан безатилган Ашгабад аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди.

ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг қисқача учрашуви бўлди. Сўнг давлат ва ҳукумат раҳбарлари Туркманистон Мажлисига йўл олди. Бу ерда уларнинг олий даражадаги учрашуви бошланди.

1985 йилда ташкил этилган ушбу халқаро ташкилот -- ЭКОга минтақадаги ўн мамлакат аъзо. Ашгабад учрашувида мазкур мамлакатларнинг барчасидан вакиллар иштирок этмоқда.

Олий даражадаги учрашувда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда.

Учрашув эртага давом этади.

Ашгабад сафарида юртимиз раҳбарига Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамроҳлик қилмоқда.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли раис жаноблари!

Ҳурматли бош котиб жаноблари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат бошлиқлари!

Бу учрашувнинг мақсади минтақанинг энг муҳим иқтисодий муаммолари, авваламбор, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни муҳокама этишдан иборат. Тушунарлики, бу каби ўта муҳим муаммоларни ҳал қилмасдан туриб мамлакатларимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига янги туртки бериб бўлмайди.

Бугун ЭКО минтақанинг кенг кўламли иқтисодий, авваламбор, коммуникация дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишнинг янги босқичига кўтарилмоқда. ЭКО фаолияти ҳамкорликнинг савдо, транспорт, алоқа каби энг муҳим йўналишларида тобора мужассамлашмоқда. Аммо бу ҳол, менинг назаримда, ижтимоий муаммоларга, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш заруратини истисно этмайди.

Биз ҳамиша ЭКОни савдо-иқтисодий ташкилот деб билганмиз ва ҳозир ҳам шундай деб биламиз. Бу халқаро ташкилотга сиёсий тус беришга қаратилган ҳар қандай уринишлар иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик руҳи ва муҳитига фақат зиён етказиши мумкин.

Яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиманки, бизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, муносабатларимизда инсоний ва демократик қадриятлар ўлчовлари даражасини юксалтиришга қаратилган умумий интилишимиз минтақамиз изчил ва барқарор ривожланишининг энг муҳим шартларидан биридир.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, иқтисодий интеграция минтақавий доирада чекланиб қолмасдан, ЭКОнинг ҳар бир иштирокчи давлати учун дунёнинг бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар ҳамда икки томонлама муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш, уларни ўз сиёсий ва иқтисодий мақсадларига эришишга йўналтириш ҳуқуқини кафолатлаши зарур.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

ЭКОнинг бундан кейинги фаолияти учун, бизнинг назаримизда, принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи масалаларга эътиборингизни қаратишга ижозат бергайсизлар.

Ташкилотга янги аъзо бўлган давлатлар унинг тўла ҳуқуқли иштирокчиларидир. Уларнинг ҳар бири ўз табиий ресурслари, интеллектуал қудрати, технологик имкониятларига эга. Шунинг учун уларга фақат маҳсулот сотиладиган бозор тариқасида қарашга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

ЭКОга аъзо бўлган ҳар бир давлат, бу ташкилотга кирган вақтидан ва ўзининг иқтисодий ривожи даражасидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли шерик ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлигидан келиб чиқиш зарур. Ва бу ерда пешқадам ва ортда қолганларга ажратишга ўрин бўлмаслиги керак. Бу -- биринчидан.

Иккинчидан. Бундан мантиқан ЭКО фаолиятининг амалий йўналишларини кучайтириш, унга янада тайинлироқ ва аниқроқ мўлжаллар белгилаб бериш зарурати пайдо бўлади.

ЭКО котибиятининг учрашувлар тартиб-қоидаларини пухтароқ ишлаб чиқиши, кун тартибида белгиланган муаммолар доирасидан чиқиб кетиш ва ЭКО минбаридан популистик ва тор сиёсий масалаларни ҳал этиш учун фойдаланишга йўл қўймаслик бунинг муҳим шарти бўлиши керак. Булар эса ЭКО котибияти ва бошқа органларининг тайёргарлик ишига алоҳида масъулият юклайди.

Учинчидан. ЭКО турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга давлатларни бирлаштирган ташкилот эканини ҳисобга олиш керак. Уларнинг манфаатлари ҳар доим бир-бирига мос келиши мумкинми ё йўқ, албатта, ва бу табиий ҳолдир. Бу ерда у ёки бу долзарб масала бўйича ўз нуқтаи-назарини зўрлаб ўтказиш учун уриниш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди. Айни замонда давлат тузумининг ижтимоий-сиёсий тарзидаги тафовутлар фақат ўзаро иқтисодий манфаатларга асосланган муносабатларимиз йўлида тўсиқ бўлмаслиги керак.

Тўртинчи масала бевосита ҳозирги учрашувнинг мавзусига тегишлидир. Транспорт йўналишларининг айрим бўлаклари ҳозирданоқ ишга тушгани таҳсинга лойиқ. Биз уларнинг жанубий портларга йўл очиб бераётган ва ЭКОга аъзо мамлакатларнинг транспорт тармоқларини кенгайтираётган йўналишларига муҳим аҳамият берамиз.

Шуни мамнуният билан эслатиб ўтмоқчиманки, Шанхайдан Парижгача бўлган улкан қитъалараро трасса қуриш ғоясини амалга ошириш доирасида апрель ойининг охирида Тошкентда, кейин эса Бишкекда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иштирокида эътиборли халқаро кенгаш ўтказилди, унинг натижалари минтақамизнинг кўпгина манфаатдор мамлакатларигина эмас, балки бу ҳудуддан узоқ бўлган мамлакатлар тарафидан ҳам мамнуният билан қабул қилинди.

Бешинчидан. ЭКО доирасидаги иқтисодий интеграция жараёни минтақанинг «оловли нуқталари» муаммоларини четлаб ўтолмайди. Мен Афғонистон ва Тожикистонни назарда тутяпман. Токи қўшниларимиз ҳудудида беқарор вазият сақланиб турар экан, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ётқизилаётган темир йўл шохобчалари ёки қурилаётган катта автомобиль йўлларидан салмоқли натижалар кутиш мумкинми?

Биз бу мамлакатлардаги аҳволни яхшилаш учун уларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш, уларга иқтисодий ўсишнинг аниқ лойиҳаларини таклиф қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз юритар эканмиз, энг ижобий ютуқлар қўлга киритилган тақдирда ҳам кескинлашишга мойил муаммолар мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Бунда мен наркотик моддалар ишлаб чиқариш муаммоси ва уларнинг янги транспорт йўналишлари орқали тарқатилиши хавфини назарда тутяпман. Биз бу масалани алоҳида муҳокама қилишимиз зарур.

Ўзбекистон ЭКО ташкилоти таркибида наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича махсус мувофиқлаштириш органи ташкил этилганини маъқуллайди. Бундан ташқари, ЭКО доирасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги, янада таъсирчан шаклларини назарда тутган аниқ мақсадга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш лозим.

Еттинчидан. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик мазкур дастурнинг таркибий қисми бўлиши мумкин ва бўлиши ҳам керак. Нима учун бунга биз долзарб масала сифатида қараяпмиз? Энг аввало, шунинг учун ҳамки, ЭКОга кирган мамлакатларнинг деярли барчаси инсон организмига салбий таъсир қилаётган жиддий экологик муаммоларни бошидан кечирмоқдалар. Мисол учун Орол денгизи фожиасини олайлик. Ўз жамиятларимизни биргаликда иқтисодий жиҳатдан йўлга солишга киришар эканмиз, мазкур принципиал ва муҳим ижтимоий масалани эътибордан соқит қилишимиз мумкинми?

Ва ниҳоят. ЭКО фаолиятининг мақсади ва мазмунидан мантиқан келиб чиққан ҳолда, халқларимизнинг кенг кўламдаги маданий ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятлари масаласини кун тартибига қўйиш лозим.

Мен аминманки, мазкур принципиал жиҳатларни атрофлича инобатга олмасдан туриб, белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида шерикчилик қилишнинг имкони йўқдир.

Энди қабул қилишимиз керак бўлган баёнот матни тўғрисида.

Матнда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича қимматли таклифлар етарли даражада ўз аксини топган. Буни маъқуллаш керак. Шу билан бирга, ҳар қандай лойиҳа тегишли техникавий-иқтисодий жиҳатдан асослашни, зарур молиявий ресурсларни, инфраструктуралар яратилишини талаб қилади. Бу таклифларни амалга оширишга қайси манбалардан қандай харажатлар ва ресурслар сарф қилинишини аниқ тушуниб етиш керак. Уларни рўёбга чиқариш учун биринчи навбатда қандай чоралар кўриш лозим?

Шу муносабат билан қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман. Дастурда назарда тутилган темир йўл, автомобиль ва бошқа давлатлараро ҳамда давлатлар ичидаги коммуникацияларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган сармояларнинг энг дастлабки ва хомаки ҳисоб-китоби тахминан 40--50 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу харажатларни биринчи навбатда мазкур коммуникациялар ҳудудидан ўтадиган давлатларнинг ўз ресурслари ташкил қилади.

Бу манбаларни қаердан ва қандай қилиб топиш мумкин?

Бу оддий масала эмас ва биз ҳозирнинг ўзидаёқ бу масаланинг реал ҳаётда қандай ечилишини аниқ билишимиз керак.

Худди шунинг учун ҳам, қўшма лойиҳа ва биргаликдаги ҳаракатларга тааллуқли ҳар қандай масала, албатта, тегишли миллий ва халқаро ташкилотларда экспертлар таҳлили ва синовидан ўтказилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли давлат бошлиқлари!

Аминманки, ЭКОга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама амалий ҳамкорлик халқларимизнинг фаровонлигига, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва тинчлик, барқарорлик ва равнақ йўлида янада яқинлашишга кўмаклашади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш Олий Мажлис қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. Жойлардаги иш аҳволини бевосита ўрганиш асосида қонунларнинг самарадорлигини таҳлил этиш айни чоғда уларнинг мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган жўшқин ўзгаришларга монанд бўлишини таъминлайди.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг 13 май куни бўлиб ўтган йиғилишида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Хоразм вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Иккала қонун ҳам мустақил мамлакатимизда, хусусан, Хоразм вилоятида ноширлик иши ва оммавий ахборот воситаларининг давр талаблари асосида ривожланиши учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Вилоятда 22 та газета, битта журнал нашр этилаётир, иккита телестудия фаолият кўрсатаяпти. «Хоразм» нашриёти ҳам халқимизнинг тикланаётган қадриятларини, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қирраларини, Оролбўйи ҳудудидаги атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ёритишга ҳаракат қилмоқда.

Қўмита раиси Ў. Ҳошимов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда нашриёт ва оммавий ахборот воситалари иши, муассислар фаолияти қонунлар талабига тўла-тўкис жавоб бераяпти деб бўлмайди. Газеталарнинг, «Хоразм» нашриёти чоп этаётган китобларнинг матбаа ижроси талаб даражасида эмас. Босмахона базасини қайта таъмирлаб, замонавий ускуналар билан бойитиб, нашрлар сифатли чоп этилишини таъминлаш ҳақида етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти. Хоразм вилояти ҳокимлиги ўз муассислигидаги газеталарнинг сифатига ҳам эътибор бермаётир.

Китоб савдоси ҳам бугунги кун талабларидан орқада қолмоқда. Китоб дўконлари сони кескин камайиб кетган. Олий ўқув юртларида, аҳоли гавжум масканларда, бозорларда китоб дўконлари ташкил этишга эътибор қилинмаяпти.

Йиғилиш аҳли «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, шунингдек, парламентнинг охирги сессиясида қабул қилинган «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тарғиботи кенг кўламда олиб борилишини, халқ оммасига тушунтирилишини таъминлаш республикамиздаги барча оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг биринчи галдаги вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева қатнашди ва нутқ сўзлади.

## МУСИҚА АНЖУМАНИГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил 25 августдан 2 сентябргача Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати ютуқларини оммалаштириш, мусиқашуносликдаги бой анъаналарни ёш авлод қалбига сингдириш, чин инсоний қадриятларни куй ва қўшиқ орқали тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-маънавий алоқаларни ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган мазкур тадбирга тайёргарлик қандай бораяпти?

Вилоят ҳокимлигида халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлисида ана шу масала муҳокама этилди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда республика Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, республика Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари У. Исмоилов, Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси Т. Қўзиев, саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ раҳбари, режиссёр Б. Йўлдошев ва бошқаларнинг бу борада бажарилган ишлар ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар фестивалга ҳозирлик юзасидан амалга оширилган ишларни қайд этиш билан бирга асосий эътиборни ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга қаратдилар. Жумладан, анжуманнинг асосий тадбири ўтадиган Регистон майдонида саҳна ва амфитеатр бунёд этиш, бошқа иншоотлар, саҳна майдонлари ва залларни безаш, уларни замонавий овоз кучайтириш ва ёритиш ускуналари билан жиҳозлаш, тадбир доирасида турли танлов ва кўргазмалар уюштиришга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига бу борада аниқ кўрсатмалар берилди. Фестивални ўтказишда ҳомий ташкилотлар -- «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси, «Маҳаллийсаноат» корпорацияси, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва бошқа ташкилотлар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 апрелдаги қарорига мувофиқ ҳадис илми равнақига улкан ҳисса қўшган беназир аллома, буюк ватандошимиз имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан 13 май куни мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси аъзолари улуғ ҳадисшуноснинг Челак туманидаги муқаддас қадамжоида бўлди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков юбилей муносабати билан бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Имом ал-Бухорий мақбараси ва масжидини таъмирлаш, миллий меъморчилик анъаналари асосида яхлит ёдгорлик мажмуини барпо этишни жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирларда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

13 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев билан учрашди.

Суҳбат чоғида меҳмонга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, спорт соҳасида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ Осиё олимпия кенгаши билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганидан мамнун эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## *ФОТОНИГОҲ*









*Бугунги кунда мамлакатимизда ўнлаб мустақиллик иншоотлари барпо этилмоқда. Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли -- шулар жумласидандир. Бу темир белбоғнинг Қашқадарё вилояти ҳудудидаги қисмида, айниқса, иш жадал олиб борилаётир. «Қаршиқурилиш» ва «Самарқандтрансқурилиш» трестлари бунёдкорларининг ғайрат-шижоатлари туфайли ҳозирга қадар қарийб ўттиз чақирим масофага пўлат излар ётқизилди.*

*СУРАТЛАРДА: Бўлажак темир йўли учун пойдевор яратилмоқда; «Мелиорацияқурилиш» трестининг бош муҳандиси Мавлон Ҳамроев ва уста Баҳодир Нурмонов лойиҳа билан танишаяпти; самосвал ҳайдовчиси М. Шаропов.*

**Т. КАРИМОВ** олган суратлар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИ

**(Давоми. Боши 2, 3, 4-бетларда).**

жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади.

**100-модда. Ижарага берилган ер участкаларига солиқ солишнинг хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса - бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим.

**101-модда. Солиқ солинмайдиган ер участкалари**

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

1) шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари, қабристонлар ва бошқалар);

2) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

3) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

4) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

5) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

6) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, темир йўлларнинг умумий тармоғи, умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

9) магистрал сув қувурлари, нефть ва газ қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар;

10) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

11) ишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун ажратилган (ёки объектлари эгаллаган) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган ерлар;

12) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

13) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари;

14) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

15) захирадаги ерлар;

16) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва бошқалар);

17) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

18) якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

Ерлардан ўз ўрнида фойдаланилмаган тақдирда ушбу моддада белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.

**102-модда. Ер солиғи тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар**

Қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар (бюджетдан молиявий таъминланадиган бошқарув органлари ва илмий-тадқиқот муассасалари бундан мустасно), ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари;

2) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, бўйсунишидан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун;

3) деҳқон (фермер) хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

4) чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар - рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;

5) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

6) «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси корхоналари, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан;

7) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар - ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисми 3 ва 4-бандларида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари - хизмат муддатига;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

## 32-боб. ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

**103-модда. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этилади.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган ҳолларда улар ер участкаси ажратилган ёки имтиёзлар тўхтатилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланганда улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўламайдилар. Ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилганидан кейинги ойдан эътиборан ер солиғи тўлай бошлайдилар.

Юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) солиқ йилнинг ҳар чорагида, тенг улушларда чоракдаги иккинчи ойнинг 15-кунигача тўланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ер солиғини бир йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлайдилар.

**104-модда. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларга ер солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ органлари томонидан ҳар йили жорий йилнинг 1 майидан кечикмай топширилади.

Жисмоний шахслар ер солиғини жорий йилнинг 1 ноябригача тўлайдилар.

# VIII БЎЛИМ. ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

## 33-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**105-модда. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар**

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

**106-модда. Солиқ солиш объектлари**

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектлари қуйидагилардан иборатдир:

фойдали қазилмалар (шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми;

техноген ҳосилаларнинг (минерал хомашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳажми;

фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми;

рангли тошлар хомашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қаъри участкаси майдони.

## 34-боб. ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ, БУНДАЙ СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҲАМДА ИМТИЁЗЛАР

**107-модда. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари**

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**108-модда. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар**

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи шахслар;

геология, минералогия ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар;

бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар - ер ости иншоотлари қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун;

ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўзларининг хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ҳамда ер ости иншоотлари қуришни амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;

метрополитен - ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун.

**109-модда. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Солиқ тўловчилар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига қуйидаги тартибда тақдим этадилар:

фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун - йилнинг ҳар чорагида, йил чораги бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай;

минерал хомашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун - бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ:

фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун - ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача;

минерал хомашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун - бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида;

қолган ҳолларда - йилнинг ҳар чорагида, йил чораклари бўйича ва йиллик ҳисоботларни топшириш муддатида тўланади.

# IX БЎЛИМ. ЭКОЛОГИЯ СОЛИҒИ

## 35-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**110-модда. Экология солиғи тўловчилар**

Товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўловчилардир.

**111-модда. Солиқ солиш объекти**

Товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) таннархи (муомала харажатлари) солиқ солиш объектидир.

**112-модда. Экология солиғи ставкаси**

Экология солиғи бир фоизли ставка бўйича тўланади.

**113-модда. Экология солиғи бўйича имтиёзлар**

Қуйидагилар экология солиғидан озод қилинади:

«Нуроний» жамғармаси ва унинг корхоналари бўшатиб олинаётган маблағлардан жамғарманинг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланган тақдирда;

ишловчилари умумий миқдорининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланаётганлари бундан мустасно.

## 36-боб. ЭКОЛОГИЯ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

**114-модда. Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби ва бу солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари**

Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва бу солиқ юзасидан ҳисоб-китоблар йил чораклари бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солиқ органларига тақдим этилади.

**115-модда. Экология солиғини тўлаш муддатлари**

Экология солиғи йилнинг ҳар чорагида, бу солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўланади.

# X БЎЛИМ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

## 37-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**116-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар**

Ўз фаолиятида бевосита сувдан фойдаланувчи юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

**117-модда. Солиқ солиш объекти**

Ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланади.

## 38-боб. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР

**118-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**119-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар**

Қуйидаги юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинадилар:

тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, тадбиркорлик фаолияти учун сув ресурсларидан фойдаланувчилар бундан мустасно;

ер ости маъданли сувларидан даволаш мақсадида фойдаланувчи соғлиқни сақлаш муассасалари, улар маъданли сувдан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланган ҳоллар бундан мустасно;

фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ва сувдан дори воситалари тайёрлаш учун фойдаланувчи юридик шахслар;

атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида ер ости сувларини чиқазиб олаётган юридик шахслар - ана шу ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно;

сув учун бюджетга ҳақ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

фойдали қазилмалар қазиб олиш ва шахтадан сувларни қочириш вақтида ер ости сувларини чиқазиб олган юридик шахслар - ана шу ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно;

гидроэлектростанциялар - агрегатларни ишлатишда сувдан фойдаланганлик учун;

бирламчи тарзда фойдаланганлик учун ҳақи тўланган сувдан иккиламчи тарзда фойдаланувчи юридик шахслар;

асосий фаолият тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи юридик шахслар - шўрланган ерларни ювиш мақсадида сувдан фойдаланганлик учун;

ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилар бундан мустасно;

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси корхоналари, бўшатиб олинаётган маблағлардан жамғармалар ва жамиятнинг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан.

## 39-боб. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ВА ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ

**120-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахс томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва бу солиқ бўйича ҳисоб-китоблар йил чораклари бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солиқ органларига тақдим этилади.

**121-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш муддатлари**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ амалда олинган сувнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тўланади.

Йилнинг чораги давомида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлайдиган солиғининг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган корхоналар солиқни йилнинг ҳар чорагида бир марта, йил чораклари бўйича молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бир йилда бир марта - жорий йилнинг 15 декабрига қадар тўлайдилар.

# XI БЎЛИМ. СОЛИҚ ИШИНИ ЮРИТИШ

## 40-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**122-модда. Солиқ соҳасидаги муддатни белгилаш**

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар календарь сана ёки йиллар, йил чораклари, ойлар, ўн кунликлар ва кунлар билан ҳисобланадиган давр ўтиши билан белгиланади.

Солиқ соҳасидаги муддат календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейин келадиган кундан ўта бошлайди.

Солиққа доир ҳаракат муддатнинг сўнгги куни соат йигирма тўртгача амалга оширилиши мумкин. Бироқ, агар бу ҳаракат ташкилотда амалга оширилиши лозим бўлса, муддат ушбу ташкилотда белгиланган қоидаларга кўра тегишли операциялар тўхтатиладиган соатда тугайди.

Молиявий ҳисоботлар, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар, ёзма аризалар ва хабарномалар алоқа ташкилотларига муддатнинг сўнгги куни соат йигирма тўртгача топширилган бўлса, ўз вақтида топширилган ҳисобланади. Бундай ҳолда алоқа корхонаси штемпелида акс эттан сана солиқ тўлаш билан боғлиқ ҳаракат бажарилган вақт деб ҳисобланади.

Агар муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

**123-модда. Молия йили**

Календарь йил молия йилидир.

**124-модда. Даъво қилиш муддати**

Солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва жарималар суммасини бюджетдан қайтариб олиш учун даъво қилиш муддати фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Солиқлар, йиғимлар ва жарималарни бюджетга тўлаш ва ундиришга доир эътирозларни тақдим этиш учун даъво қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

даромадлар тўғрисида декларациялар тўлдирган, молиявий ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчиларга нисбатан - уч йил;

солиқ суммаси 20 фоиздан кўпроқ камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) аниқланганда - беш йил.

Даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, тугатилади ва тикланади.

**125-модда. Маълумотларнинг махфийлиги**

Солиқ тўловчи ҳақидаги маълумотлар фақат солиқ тўловчининг ўзига ёки унинг вакилларига, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади.

Солиқ тўловчи ҳақидаги маълумотлар суднинг, прокуратуранинг, тергов ва суриштирув органларининг юритишида бўлган ишлар муносабати билан уларнинг талабларига мувофиқ ҳам тақдим этилади.

Солиқ органининг мансабдор шахси, шунингдек бошқа шахслар ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан солиқ тўловчи ҳақида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор этишлари, шу жумладан улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганидан ёки улар хизматдан бўшатилганидан кейин ҳам ошкор этишлари тақиқланади.

Хизмат бурчига кўра солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларга эга бўлган мансабдор шахслар маълумотларнинг махфийлигини ошкор этганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**126-модда. Солиқ тўловчининг рўйхат рақами**

Давлат рўйхатидан ўтган солиқ тўловчи юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар рўйхатга олинган пайтдан эътиборан ўн кун мобайнида рўйхат рақами олиш учун солиқ органига мурожаат қилади.

Бошқа солиқ тўловчилар - жисмоний шахслар бўйича рўйхат рақамларини расмийлаштириш солиқ органлари томонидан хонадонларни айланиб чиқиш пайтида амалга оширилади. Солиқ органи ҳар бир солиқ тўловчига битта рўйхат (идентификация) рақами беради. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ фойдаланиладиган барча ҳужжатларда ўзининг солиқ тўловчи тариқасидаги рўйхат рақамини кўрсатиши шарт. Солиқ органи солиқ тўловчига юборадиган унинг солиқ мажбуриятларига тааллуқли барча хабарномаларда солиқ тўловчининг рўйхат рақамини кўрсатади.

**127-модда. Солиқлар ва йиғимлар суммасини ҳисоблаб чиқариш**

Солиқ органи солиқлар ва йиғимлар суммасини солиқ тўловчининг ҳисоб-китоблари ва даромадлар тўғрисидаги декларациясида кўрсатилган миқдорда, шунингдек тегишли давлат органлари тақдим этадиган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради.

Агар солиқ органи бу сумма нотўғри белгиланган деб топса, у ҳисоблаб чиқарилган суммани қайта кўриб чиқишга ва солиқ тўловчига тегишли хабарнома топширишга ҳақлидир.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этмаган ёки уларнинг суммасини кўрсатмаган бўлса, солиқ органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқлар ва йиғимлар суммасини ҳисоблаб чиқаришга ва солиқ тўловчига хабарнома топширишга ҳақлидир.

Солиқ органи даъво қилиш муддати ичида солиқлар ва йиғимлар суммасини ҳисоблаб чиқаришга ҳамда илгари ҳисоблаб чиқарилган суммани қайта кўриб чиқишга ҳақлидир.

**128-модда. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш**

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш юридик шахслар томонидан нақд пулсиз тартибда тегишли суммани бюджет таснифининг тегишли бўлими ва параграфига ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар томонидан эса, нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Нақд пулсиз тартибда маблағ тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган кун, нақд пул тўлашда эса - амалда тўланган кун солиқлар ва йиғимлар тўланган сана ҳисобланади.

**129-модда. Солиқлар ва йиғимлар суммаларини қайтариш**

Солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни ортиқча суммада тўлаган тақдирда, агар унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаса, бу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммалари мазкур товарларни республикадан олиб чиқиб кетишда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарилади.

Солиқлар ва йиғимлар бюджетга қуйидаги тартибда ўтказилади:

асосий сумма;

ҳисоблаб чиқарилган пеня;

жарималар.

**130-модда. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш**

Солиқ органи қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарори билан ундирувни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, солиқлар ва йиғимлар тўламаган солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Божхона органи солиқ органининг қарори асосида бюджет олдида қарзи бўлган солиқ тўловчининг экспорт ва импорт қилаётган товарларини солиқ органининг даъвосини таъминлаш тартибида суд қарори чиқарилгунга қадар тўхтатиб туради.

## 41-боб. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**131-модда. Солиқ муносабатларида низоларни қараб чиқиш**

Солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги низолар юқори солиқ органлари ва суд томонидан кўриб чиқилади.

**132-модда. Солиқ муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги**

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчиларга нисбатан ушбу Кодексда назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади, жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса, шунингдек маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш уни солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

**133-модда. Солиқ тўловчини жавобгарликдан озод қилиш**

Агар солиқлар ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган суммалар бошқа тур бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни тўламаганлик ёхуд тўлиқ тўламаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади.

Солиқ тўловчи солиқ органи ҳужжатлар (ҳисобварақлар) асосида текширув ўтказгунига қадар мустақил равишда ўз хатоларини тузатса, у жавобгарликдан озод қилинади, пеня тўлаш бундан мустасно.

**134-модда. Солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ундириш тартиби**

Жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ҳамда тўланмаган жарималарни ундириш суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Юридик шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни, шунингдек молиявий жазо чораларининг суммалари ва пеня суммаларини ундириш солиқ органлари томонидан баҳссиз равишда амалга оширилади.

**135-модда. Молиявий жазо чоралари**

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади;

3) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар учун Кодекс 102-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, солиқ тўловчиларга Кодекс амалга киритилишидан аввалроқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан берилган солиқ имтиёзлари берилган муддат тугагунга қадар сақланиб туради.

4. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари иловага мувофиқ 1998 йил 1 январдан эътиборан тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. 2002 йилдан эътиборан, даромадлар олиш манбаларидан қатъи назар, барча жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тизими жорий этилиши назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1998 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш чоғида Кодексда назарда тутилган солиқ ставкаларини ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисми мутаносиблиги масалаларини кўриб чиқсин;

1997--2001 йиллар мобайнида жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тизимини, шу жумладан декларация шаклини, уни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартибини ҳамда муддатларини, шунингдек, декларация тақдим этмаганлик, уни белгиланмаган шаклда тақдим этганлик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик чораларини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Кодексга мувофиқлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар тақдим этсин;

ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари ушбу Кодексга зид келадиган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

16 май, жума, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 106 (1623)

# ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13--14 май кунлари Туркманистон пойтахти -- Ашгабадда ўтган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этиб қайтди**



Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Озарбойжон, шунингдек, Ислом тараққиёт банки, БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси (ЮНКТАД) каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу олий даражадаги учрашув самимий руҳда бошланди. Кун тартибига биноан, аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари сўзга чиқдилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов сўзлаган нутқ барчада катта таассурот уйғотди. Зеро, Президентимиз йиғин иштирокчилари диққат-эътиборини энг долзарб масалаларга қаратди. Ислом Каримов иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти ва бугунги кундаги юксак мавқеи ҳақида гапирар экан, аввало, ЭКОнинг сиёсий ташкилот эмаслиги ва унга сиёсий тус беришга интилаётганлар фақатгина ўртадаги ришталарга раҳна солиши мумкинлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Президент минтақада барқарорлик тўлиқ таъминланмас экан, ЭКО фаолияти самарали натижалар бермаслигини ҳам алоҳида қайд этди.

14 май куни Туркманистон Мажлиси биносида ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви давом этди. Унда минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, Европа, Шарқий ва Жанубий Осиё, Узоқ Шарққа нефть ва газ етказиб берувчи қувурлар барпо этиш, шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида экология, савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Анжуманда мазкур муаммоларга ойдинлик киритишда ҳамда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Ашгабад Декларацияси қабул қилинди. Хусусан, минтақа мамлакатларидаги нефть ва газни жаҳон бозорига олиб чиқиш зарурати пайдо бўлгани таъкидланиб, Қозоғистон -- Ўзбекистон -- Туркманистон -- Афғонистон -- Покистон, Марказий Осиё -- Форс кўрфази йўналишларида нефть қувурларини қуриш ҳамда Туркманистон -- Эрон -- Туркия -- Европа, Ўзбекистон -- Туркманистон -- Афғонистон -- Покистон йўналишларида газ қувурини барпо этиш бўйича минтақалараро консорциумлар ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Маълумки, ЭКО мамлакатлари салмоқли иқтисодий салоҳиятга эга. Бироқ уларнинг жаҳон бозорида ўзига муносиб ўрин эгаллашига айрим жуғрофий омиллар ва минтақада коммуникация тармоқларининг етарли даражада ривож топмагани тўсқинлик қилиб турибди. Шу боис, қабул қилинган декларацияда ЭКОга аъзо мамлакатлар транспорт ва коммуникация тармоқларининг ўн йиллик фаолият дастури тасдиқланди. Темир йўли техникасини бир андоза асосида мувофиқлаштириш, нарх-наво сиёсатини ҳам ўзаро келишилган ҳолда белгилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун аъзо мамлакатларда мутахассислар гуруҳини ташкил этишга келишиб олинди.

Анжуман кун тартибидан жой олган яна бир муҳим масала Марказий Осиё давлатлари ва Озарбойжонни Форс кўрфази ҳамда Туркиядаги портлар билан боғловчи Тежан -- Сарахс -- Машҳад темир йўлини очиш тўғрисидаги музокаралар бўлди. ЭКОга аъзо мамлакатлар транспорт вазирларининг шу йил декабрь ойида Ашгабадда бўладиган кенгашида ана шу алоқа тармоғи билан бир қаторда, минтақадаги бошқа темир йўл ва автомобиль йўлларини таъмирлаш, янги йўллар қуриш бўйича тегишли лойиҳалар ишлаб чиқиш масалалари тўлиқ муҳокама этилиб, тасдиқланади.

Таъкидлаш жоизки, ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг мазкур учрашуви минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, қолаверса, тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда умумий қиймати тахминан 40--50 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланаётган лойиҳаларнинг амалга ошиш жараёнига асос солинди. Куни келиб, ЭКО мамлакатлари учун Япониядан Ғарбий Европагача бўлган ҳудуд, демакки, йирик бозорлар эшиги кенг очилади. ЭКО мамлакатлари Ғарбий Европа билан Шарқий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақасини боғлайдиган муҳташам транспорт коммуникациясига эга бўлади ва дунёдаги йирик интеграциялашган ҳудудга айланади.

Олий даражадаги учрашув чоғида ЭКО мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашувини 1998 йили Қозоғистон пойтахти -- Алматида ўтказишга келишиб олинди. Шу билан Ашгабадда ўтказилган олий даражадаги учрашув ўз ниҳоясига етди.

Саммит якунида ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда ЭКОнинг истиқболига бевосита боғлиқ бўлган минтақавий хавфсизлик масалаларига кенг ўрин берилди. Жумладан, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари Афғонистондаги сиёсий танглик ҳақида гапириб, бу муаммони тинч йўл билан бартараф этиш лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Президентимиз Ашгабад сафари давомида бир неча давлатлар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ҳам ўтказди. Жумладан, Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан бўлган мулоқотларда томонларни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

14 май куни Ашгабад аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ашгабаддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида юртимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент -- Ашгабад -- Тошкент.**

*СУРАТДА: учрашув пайти.*

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.**

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 май куни Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад Ас-Сабоҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди**



Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораётганини қайд этаркан, мамлакатимизда кечаётган маънавий юксалиш жараёнида, хусусан, соғлом авлод тарбиясида спортнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

-- Олимпия кенгашининг Осиёда спортни ривожлантириш борасида самарали фаолият кўрсатаётгани ҳаммамиз учун қувонарлидир, -- деди жумладан, мамлакатимиз раҳбари. -- Хусусан, Ўзбекистонда спортни тараққий эттиришда Осиё олимпия кенгаши катта ёрдам кўрсатаётир.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув сўнгида Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад Ас-Сабоҳ Президент Ислом Каримов олимпия ҳаракатларини ривожлантириш ҳамда миллий спортни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун мазкур кенгашнинг олтин медалига сазовор бўлганини маълум қилди ва олтин медални Президентимизга тантанали равишда топширди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси раиси С. Рўзиев иштирок этди.

**(ЎзА).**

## БАНГЛАДЕШ МАҲСУЛОТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Кеча Тошкентдаги «Экспомарказ»да Бангладеш Халқ Республикаси маҳсулотлари кўргазмаси иш бошлади. Кўргазмани Бангладешнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шарджил Ҳасан очар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Албатта, республикамизда илк бор ташкил этилаётган ушбу мамлакат савдо кўргазмаси ҳам ана шу ҳамкорликнинг меваларидан биридир. Кўргазмага йигирмага яқин турдаги озиқ-овқат, енгил саноат ва фармацевтика маҳсулотлари қўйилган. Намойиш қилинаётган мазкур маҳсулотлар юртимиз ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирнинг очилиш маросимида республика вазирликлари ва муассасалар вакиллари иштирок этди.

Кўргазма ўз ишини 19 майгача давом эттиради.

**Ўз мухбиримиз.**

## УШБУ СОНДА:

2-бет

ОЗОД ЮРТНИНГ ОЛТИН КАМАРИ



УЮШМАНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ДАВР ТАЛАБИ ЭДИ

3-бет

ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИ

БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



4-бет

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАВҚЕИ БАЛАНД

ЮРТ ТАРИХИ МУҚАДДАС



*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИГА ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услубларини жорий этиш, республикани ривожлантиришнинг мақбул макроиқтисодий пропорцияларини ва барқарор суръатларини таъминлаш, статистиканинг халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқ самарали ишлашини ташкил қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартирилсин.

2. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишларини, йўллари ва услубларини белгилаш, республика иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини таъминлаш;

макроиқтисодий ва моддий балансларни, миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тахминларини ва тахминий вариант ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш;

Молия вазирлиги билан бирга тўлов, молия ва ташқи савдо балансларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

иқтисодиётнинг реал соҳасида энг мақбул суръатлар ва пропорцияларни таъминловчи инвестиция дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш, минерал ва хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялаш;

ҳисобга олишнинг замонавий индикатив, таҳлилий ва статистик усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт, маданиятнинг ривожланишини, халқ турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалишини назорат қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истиқболни белгилаш ва статистика бўйича ишлаб турган бўлинмалар негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси -- иқтисодиёт ва статистика вазирлигини;

республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида -- иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларини;

республика шаҳарлари ва туманларида -- иқтисодиёт ва статистика бўлимларини

ташкил қилсинлар.

Мазкур органлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига қарашлидир.

4. Белгилаб қўйилсинки:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи статистика бошқармаларининг раҳбарлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тайинланадилар;

иқтисодиёт ва статистика бош бошқарамасининг бошлиғи лавозимига кўра вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, туман ва шаҳар иқтисодиёт ва статистика бўлимларининг раҳбарлари тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан тайинланадилар.

6. Иқтисодиёт ва статистика ҳудудий органлари зиммасига:

минтақаларда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳудудий балансларни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгилаш;

халқаро нормалар ва андозаларга мос келадиган статистика ахборотини йиғиш ва ишлов бериш усулларини жорий этиш, минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган жараёнларни статистик ҳисобга олиш ва таҳлил этиш тўлиқ ҳамда тезкор бўлишини таъминлаш вазифаси юклансин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 5 августдаги 449-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 15 май.

БУГУННИНГ ГАПИ

***Мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётига молик барча янгиликларни халқ ўз манфаати юзасидан қилинаётганини тушуниб етаяпти. Инсон жамиятдан кўнгли тўлаяпти. Чунки у ҳозирги даврни, аниқроғи, минтақадаги ҳолатни яхши таҳлил этаяпти. Ўзбекистон тақдирига масъуллик бугун ҳар бир одамнинг ботинида, ичида, шуурида, онгида, хуллас, бутун борлиғида шаклланиши керак.***

# ЎЛМАС САОДАТ

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдан ташқари Ашгабад учрашувида минтақа халқлари манфаати юзасидан аниқ гапни айтдилар. Юртбошимиз тутган позиция йиғинда қатнашаётган барча давлатлар раҳбарлари ичида салмоғи ва аҳамияти жиҳатидан алоҳида ажралиб турди. Айниқса, у кишининг ЭКО доирасидаги иқтисодий интеграция жараёни минтақанинг «оловли нуқталари» муаммоларини четлаб ўтолмайди, деган фикрларидан шу юртнинг оддий бир фуқароси сифатида тўлқинланиб кетдим... Осуда ҳаётимизнинг эртанги кунига нисбатан куйинчаклик билан айтилган бу гап замирида келажак авлод қисмати билан ҳамоҳанглик туйдим.

ЎзТВ орқали Президентимиз қуйидаги мазмунда сўзладилар:

«Афғонистонда 18 йилдан бери уруш кетаяпти. Бу фалокат биргина афғон халқига тааллуқли эмас. Ҳамон давом этаётган урушда айрим давлатларнинг ташқи томондан аралашувини тўхтатиш керак. Мен бу давлатларни номма-ном айтиб ўтирмайман. Афғонистон сиёсий полигон майдонига айланиб қолди...»

Чиндан ҳам шундай. Токи қўшниларимиз орасида ўзаро ҳамжиҳатлик ришталари боғланмас экан, беқарор вазият ўзгармасдан давом этаркан, иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш оғир кечади. Ашгабаддаги ўзаро иқтисодий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилаётган йиғинда юртбошимиз таъкидлаган муаммо замирида катта бир хавф бартараф этилиши кўзда тутилган эди.

Мен ўзим афғон урушида қатнашганман. Уруш нималигини биламан. Бошингда бир ўқ учиб ўтса умрингнинг 10--15 йилини яшаб қўйишингни англаганман. Бир лаҳзалик жанг инсон ҳаётини остин-устун қилиб ташлаши мумкин. У бир умр даҳшатлар гирдоби қотган фикру-хаёлидаги оғриқдан қутулолмай яшайди. Қаердаки уруш бўлса, ўша ерда барча фожеалар тобора йиғилиб бораверади. Мамлакат, айтиш жоизки, қабоҳат таназзулига юз тутади. Уруш ҳеч қачон соғ одамларнинг иши эмас. Аввалом бор инсон ўз оиласи бахтини кўрсагина, жамият, давлат равнақи йўлида теран фикрларга эга бўлади. Мен ҳар тонгда ишга чиқаётиб бир-биридан ширин икки фарзандим, жуфти-ҳалолимни тинчлик бағрига ташлаб келаман. Оллоҳдан юртимда доимо оромли ҳаёт содир бўлишини, бу мангу давом этишини сўрайман. Турмушнинг айрим қийинчиликлари эса тўплар нара тортиб, танклар тўс-тўполон қилиб, кўкда ажал уруғини сочувчи ракеталар учмаётгани олдида жуда-жуда майда гап бўлиб туюлаверади. Ва, мана шу тоза ва ҳур, одамлар бир-бири билан барқарор осудалик қўйнида яшаётганига шукр қиламан... Ўзбекистон Президенти ва ҳукумат раҳбариятининг юртда тинчликни сақлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатларида мен халқнинг бахти, фарзандлар саодати, улкан яратувчанлик лаҳзаларига улуғвор пойдевор қўйилаётганини англайман.

**Қ. НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**